

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИДА АЁЛЛАР ФАОЛИЯТИ

Раджапова Сабоҳат Бобировна

ТерДУ Жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11401737>

Аннотация. Ушбу мақолада Мустақиллик йилларида мамлакатда олий таълим тизимида аёллар фаолиятининг ортиб бориши, соҳада хотин-қизларга яратилган имкониятлар баён қилинган.

Калим сўзлар: рақамли иқтисодиёт, инновация, “Олима аёллар”, “Шухрат” медали.

WOMEN'S ACTIVITIES IN THE HIGHER EDUCATION SYSTEM

Abstract. This article describes the growth of women's activity in the higher education system in the country during the years of independence, the opportunities created for women in the field.

Key words: digital economy, innovation, Women of science, Medal of “Shuhrat”.

ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ЖЕНЩИН В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ

Аннотация. В годы независимости описывается рост активности женщин в системе высшего образования страны, возможности, созданные для женщин в этой сфере.

Ключевые слова: цифровая экономика, инновации, «Женщины-ученые», медаль «Слава».

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида таълим тизимида амалга оширилган барча ислохотлар соҳада фаолият юритаётган кадрлар масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини тақозо қилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида жинси, тили, дини, ёши ва ирқидан қатъий назар барча учун билим олиш ҳуқуқи кафолатлаб кўйилди. Ушбу соҳада олиб борилаётган ислохотлар натижасида мамлакат таълим тизими йилдан-йилга ўсиб борди ҳамда дунё таълим тизими талабларига жавоб берадиган янги таълим масканлари барпо этилди. Республикада 1995 йилга келиб аёлларнинг 3 миллионга яқини, яъни 42 % и ишлаб чиқариш соҳаларига жалб қилинди. Хотин-қизлар нафақат ишлаб чиқариш соҳалари балки, илмий муассасаларда ҳам ўзларининг касб маҳоратларини намоён қилиб, илмий изланишлар ҳам олиб борди. Хусусан, 1995 йилнинг иккинчи чорагига келиб республика миқёсида 16300 нафарга яқин аёллар илмий тадқиқот муассасаларида фаолият олиб бориб, улардан 200 нафарга яқини фан доктори, 2900 нафари фан номзоди, 2 нафари фанлар академияси академиги сифатида иш олиб борди¹.

Мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш натижасида уларнинг ижтимоий ва маданий соҳалардаги фаолияти жадаллашиб борди. Аёлларнинг илмий соҳалардаги имкониятларини тўла намоён қилишлари учун кенг имкониятлар эшиги очилиб, республикада олима аёллар сони йилдан-йилга кўпайди. Шунингдек, 2005-2008 йиллар давомида 110 нафар хотин-қизлар докторлик диссертацияларини, 888 нафар аёл

¹ Сурхондарё вилоят давлат архиви. 143-фонд, 13-рўйхат, 143-йиғма жилд, 29-варақ.

номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилган бўлиб, шулардан, 37,3 % и тиббиёт, 11,8 % и педагогика ва 10 % и филология йўналишларига тегишли докторлик диссертациялари ҳисобланди. 2010 йилга келиб эса олима аёллар сафи қарийиб 286 нафарга кўпайди².

Таълим тизимининг барча босқичларида олиб борилган ислоҳотлар ва аҳоли саводхонлигини оширишга қаратилган тадбирлар натижасида мамлакатда аёлларнинг саводхонлик даражаси ҳам ўсди. Хусусан, 2010 йилда республикада аёлларнинг саводхонлик даражаси 91,8 % га етди. Бундан ташқари мактабларда тугалланган олий маълумотли ўқитувчи аёллар 76 % ни ташкил қилди. Мазкур йилда олий таълим даргоҳлари талабаларининг 40,9 % ини аёллар ташкил қилиб, умумтаълим мактабларида 48, 6 % ни, касб-ҳунар коллежларида таҳсил олувчиларнинг эса қарийиб 48,1 % и хотин-қизлар улушига тўғри келди³. Ушбу йилга келиб республика олий ўқув юртарининг магистратура босқичида таҳсил олаётган талабаларнинг 35 % ини хотин-қизлар ташкил қилди⁴.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида” ги Фармонида ҳам хотин-қизларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни олий таълимга яна-да кўпроқ камраб олишга алоҳида эътибор қаратди. Натижада 2018 йилда Республика миқёсида хотин-қизларнинг илм-фан ва таълимдаги улуши ўсиб борди.

Мазкур йилда хотин-қизлардан 519 нафар фан доктори (2022 йилга келиб 700 нафар), 4780 нафар фан номзоди, 200 нафарга яқин фалсафа доктори (PhD)⁵, 6 нафар академик, 15 нафар Ўзбекистон Қаҳрамони, 15 нафар қонунчилик палатаси депутати, маҳаллий Кенгаш депутатларининг 23 % ини ташкил этди.

Шунингдек, республикада хотин-қизларнинг илмий салоҳиятининг ортиб боришига ҳам алоҳида аҳамият берилди. Республика “Олима аёллар” уюшмаси кўмагида илм-фан соҳасида уларнинг фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясида 2012 йилда олима аёллар сони 2493 нафарни ташкил этган бўлиб, улардан 371 нафари фан номзоди, 78 нафари фан доктори, 7 нафари академик⁶. Хусусан, 2019 йилга келиб Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясида олима аёллар сони 2600 нафарга яқинни ташкил қилди. 2012 йилда уларнинг сони Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясида 2493 нафар аёллар турли соҳаларда илмий изланишлар олиб бориб, улардан 371 нафари фан номзоди, 78 нафари фан доктори, 7 нафари академик⁷.

² М.Шамсиева. “Ўзбекистонда хотин-қизларни ҳимоя қилишда давлат ва нодавлат ташкилотларининг ўрни (1991-2010 й). номзодлик диссертацияси. - Б. 122-123.

³ М.Ғаффорова. Ўзбекистоннинг ижтимоий сиёсий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни. Номз. диссертацияси. - Тошкент-2018 йил. - Б. 55.

⁴ Олий ва ўрта махсус, касб ҳунар муассасалари ўқувчилари умумий сонидида аёл ўқувчиларнинг улуши. 2010-2011 ўқув йили бошига. Йиллик статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси. - Тошкент, 2012. - Б. 113.

⁵ Янги Ўзбекистон. 2022 йил, 12 март. - Б. 3.

⁶ Илм фан чашмаси. 2012 йил 27 июнь. - Б. 2.

⁷ Илм фан чашмаси. 2012 йил, 27 июнь. - Б. 3.

Жумладан, 2020 йил 31 099 нафар илмий ходимлар илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик фаолияти билан шуғулланган бўлса, уларнинг 39,6 фоизини аёллар ташкил этди. Ҳозирги кунда илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик фаолияти билан шуғулланган аёлларнинг 3 157 нафари табиий фанлар соҳасида 262 нафари фан доктори, 650 нафари фан номзоди, 90 нафари PhD, 1 643 нафари техника фанлари соҳасида, 2 176 нафари тиббиёт фанлари соҳасида, 607 нафари қишлоқ хўжалиги фанлари соҳасида, 2 006 нафари ижтимоий фанлар соҳасида, 3 395 нафари гуманитар фанлар соҳасида фаолият кўрсатди⁸.

Сурхондарё вилоятида олий таълим муассасаларининг йилдан-йилга ортиб бориши натижасида олий таълим тизимида хотин-қизларнинг салмоғи ортиб борди. Хусусан, вилоятда 2019 йилга келиб 60 нафар ўзлари танлаган мавзулари бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бораётган олима аёллар фаолият олиб борди. Улардан 13 нафари ўзлари танлаган соҳалар бўйича доцент илмий даражасини эгаллаган бўлиб, 10 нафарга яқин фан номзодлари ва 40 нафардан зиёд илмий изланувчиларни ташкил қилди⁹. Сурхондарё вилоятида олима аёлларнинг фаолиятининг ривожланиши ва қўллаб-қувватланишида Сурхондарё вилояти “Олима аёллар” уюшмаси раҳбари Дилбар Нормўминовна Қодированинг алоҳида ўрни бор. Олима аёл Биология фанлари номзоди, доцент, унинг самарали меҳнатлари муносиб баҳоланиб 2019 йилда “Шухрат” медали билан тақдирланди¹⁰.

REFERENCES

1. М.Шамсиева. “Ўзбекистонда хотин-қизларни ҳимоя қилишда давлат ва нодавлат ташкилотларининг ўрни (1991-2010 й). номзодлик диссертацияси. - Б. 122-123.
2. М.Гаффорова. Ўзбекистоннинг ижтимоий сиёсий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни. Номз. диссертацияси. - Тошкент-2018 йил. - Б. 55.
3. Олий ва ўрта махсус, касб ҳунар муассасалари ўқувчилари умумий сониди аёл ўқувчиларнинг улуши. 2010-2011 ўқув йили бошига. Йиллик статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси. - Тошкент, 2012. - Б. 113.
4. Янги Ўзбекистон. 2022 йил, 12 март. - Б. 3.
5. Илм фан чашмаси. 2012 йил 27 июнь. - Б. 2.
6. Илм фан чашмаси. 2012 йил, 27 июнь. - Б. 3.
7. Янги Ўзбекистон. 2022 йил, 2 февраль. - Б. 3.
8. Radjabova, S. (2023). AYOLLARNI QO'LLAB-QUVVATLASH BO'YICHA DAVLAT SIYO'SATI (BIRINCHI QADAMLAR). *Zamonaviy fan va tadqiqotlar*, 2 (6), 49-52.
9. Radjabova, S. (2023). SURXANDARYO VILOYATI MADANIY HAYOTDAGI AYOLLARNING FAOLIYATI. *Zamonaviy fan va tadqiqotlar*, 2 (6), 53-55.

⁸ Янги Ўзбекистон. 2022 йил, 2 февраль. - Б. 3.

⁹ Термиз давлат университети жорий архиви. Сурхондарё вилояти олима аёллари уюшмаси раҳбари Д.Қодирова томонидан тайёрланган ҳисоботидан. 2019 йил. 26 май.

¹⁰ Термиз давлат университети жорий архиви 2019 йил. “Олима аёллар” уюшмасининг 2019 йил яқунлари бўйича ҳисоботи.

10. Radjabova, S. (2023). DAVLAT DASTURLARIDA AYOLLAR SALOMATLIGINI MUHOFAZLASH. *Zamonaviy fan va tadqiqotlar* , 2 (5), 285-289.
11. Safar o'g'li, RM (2023). TERMIZ OBIDALARINING RUS TADQIQOTCHILARI TOMONIDAN O'RGANILISHI. *ZAMONAVIY TA'LIM TIZIMIDA INNOVATSIYA* , 3 (34), 37-41.
12. Raimov, M. (2023). TERMAT TARIXNI O'RGANISHDA YANGI DAVRI. *Zamonaviy fan va tadqiqotlar* , 2 (9), 146-151.
13. Habibullo o'g'li, R. M. (2023). SURXON VOHASI TOQCHI QAVMINING AN'ANAVIY TURMUSH TARZI.
14. To'Rayev, S. G. O. G. L., & Raxmonov, M. X. O. G. L. (2022). BX KARMISHEVA TADQIQOTLARIDA SURXON VOHASI YUZ URUG'LARINING ETNIK TAVSIFI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(1), 43-51.
15. Рахмонов, М. (2023). Surxon vohasi toqchi qavmlari hududiy joylashuvining ilmiy tahlili. *История и культура центральной Азии*, 1(1), 341-344.
16. Rahmonov, M. (2023). TRADITIONAL LIFESTYLE OF THE TOKCHI PEOPLE OF SURKHAN OASIS. *Modern Science and Research*, 2(4), 720-722.
17. Турсунов, С., Пардаев, Т., & Курбонов А, Т. Н. (2006). Ўзбекистон тарихи ва маданияти: Сурхондарё этнографияси. *Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти*, 275.
18. Турсунов, С., Умаров, И., Пардаев, Т., Турсунов, А., Холмонова, Ф., & Нарзуллаева, Н. (2017). Ўзбекистонда топонимик номлар ва уларнинг тарихи. *Термиз: Сурхоннашр*, 75(44), 101-102.
19. Pardaev, T. R., & Tursunov, Z. N. (2019). The Attitude Of The Despotic Regime To National And Religious Values. *Ўтмишга назар журналы*, 23(2).
20. Tursunov, S., Kobilov, E., Murtozoyev, B., & Pidayev, T. (2004). History of Surkhandarya.(p. 177). *Editorial office of oriental publishing and Printing Company*, 2, 1870-1917.
21. Tursunov, S., Kabilov, E. A., Pardaev, T., & Murtazaev, B. M. (2001). Surkhandarya in the mirror of history. *Tashkent: Sharq*, 382.
22. Турсунов, С. Н., Пардаев, Т. Р., Турсунова, Н. М., & Муртазоев, Б. (2015). Ўзбекистонда бахшичилик санъатининг шакилланиши ва тараққиёти тарихи.
23. Tursunov, S., Qobilov, E., Pardaev, T., & Murtazoev, B. (2004). History of Surkhandarya. *T.: East*.